



ТОШКЕНТ

2019 йил 19 ФЕВРАЛЬ, СЕШАНБА

ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 28 (13.875)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ МИЛЛИЙ ТИЗИМИНИ ЯНАДА КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ ҲАҚИДА

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини рўйбга чиқариш, шунингдек, аҳолининг ҳаёт даражасини ошириш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, бизнесни ривожлантириш мақсадида давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини сифат жиҳатидан янги даражага ўтказиш жадал суръатларда амалга оширилмоқда.

Қисқа вақт оралиғида “ягона дарча” тамойили бўйича кўрсатилаётган давлат хизматлари сони 100 та хизматдан ортди, хизматдан фойдаланиш учун мурожаат қилаётган фуқаролар сони эса 50 баробарга ошди. Бунда кўрсатиладиган давлат хизматлари кўрсаткичи қўшимча давлат хизматлари жорий этилиши муносабати билан яна икки баробар ортиши кўтилмоқда.

Бизнес юртида ортиқча бюрократик жараёнларни тубдан қисқартириш ва давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини янада ривожлантириш мақсадида:

1. 2019 йил 1 июндан бошлаб шундай тартиб белгилансинки, унга кўра:

жисмоний ва юридик шахслар давлат хизматлари марказларида (кейинги ўринларда – Марказлар) фуқаролар доими (вақтинча) рўйхатдан ўтган жойидан ва юридик шахслар почта манзилдан (жойлашган еридан) қатъий назар, давлат хизматларини **экстерриториал тамойил** бўйича олишга ҳақли;

давлат хизматларини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – Ягона портал) орқали мурожаат этганда давлат божи, йиғимлар ва бошқа тўловлар Марказлар орқали ёки бевосита хизмат кўрсатувчи органларга муро-

жаат этганда тўланадиган суммадан **90 фоиз миқдоридан** тўланади;

Ягона портал орқали кўрсатилаётган давлат хизматлари учун давлат божлари ва йиғимларнинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилмаган қисми 20 фоиздан 10 фоизга камайтирилади ва бўшайдиган маблағлар қолган олувчилар орасида мутаносиб равишда тақсимланади;

давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва ташкилотлар давлат хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан бирга қўшимча маълумотларни ўзларининг маълумотлар базаларига ва ахборот тизимларига электрон кўринишда электрон маълумотлар базаларини шакллантириш учун киритиб борадилар.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази, давлат хизматлари кўрсатувчи бошқа идора ва ташкилотлар ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этган ҳолда ўзларининг идоравий ахборот тизимларида, ресурсларида ва маълумотлар базаларида мавжуд давлат хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган ахборот ва маълумотлар “Электрон ҳуқуқ” тизими идораларига интеграциялашув платформасига тақдим этилишини ҳамда Агентликка зарур ахборот ва маълумотлардан фойдаланиш имконини таъминласин.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЙИЛҚИЧИЛИК ВА ОТ СПОРТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда йилқичилик ва от спортини оммалаштириш учун шарт-шароитлар ва инфраструктура яратиш, мазкур спорт тури бўйича юртимизни халқаро спорт майдонларида муносиб равишда танитиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон йилқичилик ва от спорт федерацияси ташкил этилди, Қашқадарё ва Фарғона вилоятларида Қорабайир зотли отларни етиштириш ва кўпайтириш бўйича мажмуалар фаолият кўрсатмоқда.

Тошкент вилоятида Ахалтака зотли ва спорт отларини етиштириш ва кўпайтириш от заводи қуриш, шунингдек, Тошкент шаҳрида “Марказий ипподром” акциядорлик жамиятини Халқаро от спорт федерацияси талабларини инобатга олган ҳолда реконструкция қилиш лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, республикада йилқичилик ва от спортининг янада ривожланишига тўққиз қиллаётган бир қатор ҳал этилмаган масалалар мавжуд. Жумладан, от спорт клублари ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг яхлит тизими мавжуд эмаслиги ўқув-машуғул жараёнини бошқаришнинг самарали механизmlарини жорий этиш, икитдорли қавандозларни аниқлаш ва танла олиш имконини бермаётти.

Моддий-техник база ва от спорт инфраструктура-

зилмаси етарли даражада ривожланмаган, от спорт билан шуғулланиш ва ушбу спорт турини оммалаштириш учун спорт базалари ва шарт-шароитлар яратиш бўйича зарур чоралар кўрилмапти.

Йилқичилик ва от спортини янада ривожлантириш, ёшларни спорт билан шуғулланишга фаол жалб этиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, шунингдек, от спорт бўйича миллий ва халқаро мусобақаларда юқори спорт натижаларига эришишни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон йилқичилик ва от спорт федерацияси, Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси, “Ўзбекнефтгаз” АЖ, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва “Ўзқурилишматериаллари” АЖнинг:

2019-2020 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида болалар-ўсмирлар от спорт мактабларини (кейинги ўринларда – болалар-ўсмирлар от спорт мактаблари) босқичма-босқич ташкил этиш;

(Давоми 2-бетда)

Президент ташрифидан сўнг...

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛК БОР УЧ ҚАВАТЛИ КЎПРИК БУНЁД ЭТИЛМОҚДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йил 1 июнь кун пойтахтимизнинг Махтумқули ва Оҳангарон кўчалари кесишмасида барпо этилаётган уч қаватли замонавий кўприк лойиҳасини кўздан кечириб, уни замонавий технологиялар асосида сифатли бунёд этиш, коммуникация тармоқларини жойлаштириш юзасидан зарур кўрсатмалар берган эди.

Таъкидлаш жоизки, ҳозиргача юртимизда уч қаватли кўприк қурилмаган. Бугун ана шу маҳобатли иншоот қурилиши жадал давом этмоқда. Мутахассислар фикрича, пойтахтимизнинг энг гавжум чорраҳаларидан би-

рида қурилаётган бу кўприк тирбандлиқни камайтириб, ҳайдовчи ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлайди. Бу кўприк келгусида Тошкент шаҳрининг ўзига хос ташриф қоғози бўлади, деган эди Президентимиз.

(Давоми 3-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қиймати 100000 сўм бўлган пул белгисини муомалага чиқариш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки **2019 йил 25 февралдан бошлаб қиймати 100000 сўм бўлган банкнот** кўринишида янги пул белгисини муомалага чиқарилиши тўғрисида маълум қилади.

Қиймати 100000 сўм бўлган банкнотнинг мавзуси (тематикаси) буюқ ўзбек олими Мирзо Улугбек фаолияти ва унинг астрономия фанидаги ютуқларига бағишланган.

Банкнотнинг ўлчами 144 х 78 мм. бўлиб, махсус ҳимояланган қорозда чоп этилган.

Банкнотнинг ўнг тарафидаги оқ овал қисмида Мирзо Улугбек сурати кўринишидаги локал сув белгиси ва 100000 рақами кўринишидаги филгрэн сув белгиси жойлашган. Банкнотнинг ўнг тарафидаги қороз қатламидан кенглиги 5 мм. 3D эффектага эга бўлган, юқори ҳимояли, шўнгувчи, банкнотнинг устки қатламга чиқувчи ҳимоя илми жойлаштирилган. Ёруғлик манбаида ип тўлик кўринишга эга бўлиб, банкнотнинг исталган қиялик кўринишида илгари тасвирларда сўлғиш эффекти пайдо бўлади. Олд ва орқа томонларнинг фони асосан оч жигарранг ва ҳаво рангларидан иборат.

Банкнот олд томонининг чап қисмида Мирзо Улугбек ҳайкали тасвирланган. Банкнотнинг юқори қисмининг чап тарафида ранги ўзгарувчан 100000 рақами жойлаштирилган бўлиб, маълум қиялик бурчагида қаралганда унинг ранги қирмиши рангдан жигаррангга ўзгаради.

Банкнот кўйи қисмининг чап тарафида орнаментал тасвир асосида (фонда) “UZB” кўринишидаги яширин тасвир мавжуд бўлиб, у ёруғлик манбаига нисбатан маълум қияликда кўринади. Банкнотнинг чап томонида жойлашган яшил рангдаги махсус элемент кўзи оқиз инсонлар учун мўлжалланган бўлиб, буюқнинг бўртмаллиги ҳисобига банкнотнинг қийматини аниқлаш мумкин. Банкнотнинг юқори қисмида, ҳайкалининг ўнг томонида кўп функцияли устурлоб (“Астрономия”) астрономик асбоби тасвири жойлашган ва у регистр вазифасини бажариб, “олд” ва “орқа” томонларини бир-бири билан мос тушириш учун хизмат қилади, ёруғликка қаратилганда орқа томондаги рангли фон билан тасвир мукамаллашади.

Банкнот юқори қисмининг ўнг томонида “O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI” матни мавжуд.

Банкнотнинг юқори ўнг бурчагида Ўзбекистон Республикасининг Герби жигаррангга акс этирилган.

Банкнотнинг ўрта қисмида кўёш системаси схемаси жойлашган бўлиб, унинг ранги кўриш бурчагига қараб бронза рангдан яшил рангга ўзгаради.

Орбита доирасида кўёш системаси сайёралари ва ол-

тита кичик сайёралар турли ўлчамдаги саккиз қиррали юлдузчалар кўринишида жойлашган. Уларнинг ранги ҳам маълум қияликда ўзгарувчан хусусиятга эга. Орбиталар доираси периметри атрофида “O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI” сўз бирикмаси кўринишида такрорланувчи микроматн мавжуд.

Банкнот кўйи қисмининг марказида “BIR YUZ MING SO'M” матни жойлашган бўлиб, унинг остида “O'ZBEKISTON SO'MI RESPUBLIKA HUDUDIDA HAMMA TO'LOVLAR UCHUN O'Z QIYMATI BO'YICHA QABUL QILINISHI SHART” ёзуви акс этган.

Банкнот пастки ўнг бурчагидаги 100000 рақами икки хил, яъни жигарранг ва яшил рангга аниқ чегараланган ҳолда босилган. Банкнотнинг лотин алифбосидаги икки харфли серияси ва етти хонали сондан иборат рақами икки жойда босилган бўлиб, кўйи қисмининг ўнг томонидаги буюқ ферромангит, чап қисмидаги рангли майдондаги люминесценс хусусиятига эга.

Банкнот орқа томонининг чап қисмидаги овал шаклдаги майдонда ҳам локал сувли белгисини кўриш имконияти мавжуд. Чап томонининг юқори бурчагида гильошир розетка майдонидан банкнот муомалага чиқарилган йил кўрсатилган.

Банкнотнинг марказида жигаррангга Мирзо Улугбек обсерваторияси тасвирланган ва унинг устида “O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI” матни туширилган.

Банкнотнинг кўйи қисмида кўк рангда 100000 рақами, “BIR YUZ MING SO'M” ёзуви ҳамда уларнинг тагида “O'ZBEKISTON SO'MINI QALBAKILASHTIRISH QONUNIGA MUVOFIQ TA'QIB QILINADI” матни жойлашган. Мазкур тасвирлар ва банкнотнинг юқори қисми ўнг бурчагидаги 100000 рақами металлограф босма усулида (бўртмалли сезилмайдиган) бажарилган. Банкнотнинг ўнг томонида кўш ёйли квадрант астрономик асбоб тасвирланган.

Банкнот марказида Ўзбекистон Республикаси харитасининг чегараси акс этирилган бўлиб, унда буюқ олим Мирзо Улугбек ўз илмий фаолиятини олиб борган Самарқанд шаҳрининг жойлашган ўрни белгиланган. Хаританинг фони узлуксиз равишда такрорланувчи “O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI” микроматни билан тўлдирилган.

Муомалага чиқарилаётган қиймати 100000 сўм бўлган пул белгиси, айна пайтада муомалада бўлган пул белгилари ва тангалар билан бир қаторда, барча ҳужалик юритувчи субъектлар ва аҳоли томонидан ўз қиймати бўйича барча турдаги тўловлар учун ҳеч қандай чекловларсиз қабул қилиниши шарт.

100 000 СЎМЛИК ҚИЙМАТИГА ЭГА БЎЛГАН БАНКНОТДАГИ ХИМоя ЭЛЕМЕНТЛАРИ ТАСВИФИ ВА ЖойЛАШИШИ

БАНКНОТНИНГ ОЛД ТОМОНИ

- Олти узгилувчан 3D эффектни шўнгувчи ҳимоя илми
- Бронза рангдан ишол рангга узгилувчи бўртмалли турмуни элемент
- Мирзо Улугбек портрети ва “100 000” рақами кўринишидаги сув белгиси
- Тилла рангдан кўл рангга узгилувчи трафарет босма усули
- Кўриш қобилияти суст бўлган инсонлар учун номмаъл қияликта шартли бўлиб белгиси
- Бўртмалли турмуни тасвирлар

100 000 СЎМЛИК ҚИЙМАТИГА ЭГА БЎЛГАН БАНКНОТДАГИ ХИМоя ЭЛЕМЕНТЛАРИ ТАСВИФИ ВА ЖойЛАШИШИ

БАНКНОТНИНГ ОРҚА ТОМОНИ

- Мирзо Улугбек обсерваторияси тасвирланган ва унинг устида “O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI” матни туширилган
- Микроматн “O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI”
- Бўртмалли турмуни тасвирлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

САЙЛОВ КОДЕКСИ НИМАЛАРНИ НАЗАРДА TUTADI?

Авал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда турли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Қонунчилик палатасидаги маъсул кўмита, фракциялар томонидан дастлабки тарзда, кейин Қонунчилик палатасининг мажлисида кўриб чиқилиб, маъқулланади. Номзод мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг ҳаракатлар дастури билан ўзаро боғлиқ бўлган, истиқболга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар ва вазифаларга эришиш борасида ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, ташкилий-техник чора-тадбирларни ҳамда истиқболдаги вазифаларни назар тутувчи ўз ҳаракатлар режасини тақдим этади.

(Давоми 2-бетда)

XXI сағоси

Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● “Наманган” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” давлат унитар корхонаси иш бошлади. Корхона Президентимизнинг 2018 йил 20 августдаги “Наманган” эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони асосида ташкил этилди.

● Андижон шаҳридаги ҳарбий қисмда умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб-хунар коллежлари ўқувчилари ва уюлмаган ёшлар учун “Ватан ҳимояси – муқаддас бурч” шиори остида очик эшиклар кўни ўтказилди.

● Фарғонада “Ички ишлар органларининг намунали таянч пунктлари” кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йилда Давлат хизматлари марказлари ходимлари фаолиятининг самарадорлиги баҳоланганда Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай тумани давлат хизматлари маркази мамлакатимиздаги 201 марказ орасида энг намунали деб топилди.

ЖАҲОНДА

● NASA Австралиянинг Квинсленд штатидаги сув тошқини оқибатлари туширилган суратларни интернетдаги расмий сайтга жойлади. Хабарда айтилишича, Квинслендда бир неча ҳафта давомида ёмғир ёлган. Флиндерс дарёси жуда ҳам тўлганидан коинотдан олинган суратларда кўриниши ўзгарган.

● Суриянинг Идлиб шаҳрида мина ўрнатилган икита автомобиль портлади. 13 киши ҳалок бўлди, 50 киши жароҳатланди. Портлашлар Идлибнинг аҳоли гавжум жойларидан бири бўлган Кусур кўчасида бирин-кетин содир бўлган.

● Америкалик олимлар кш фасли давомида Атлантика океанидан йўқолиб кетиш хавфи арафасидаги еттита ноёб турга мансуб кит боласини топди. Олимларнинг баҳолашича, у Атлантика океанида яшайдиган шимолий силлиқ кит бўлиб, дунё бўйича бундай китлар атиги 400 та қолган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЙИЛҚИЧИЛИК ВА ОТ СПОРТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон йилқиччилик ва от спорти федерацияси қришида юридик шахс мақомига эга Қорабайр зотли отларни етиштириш ва кўпайтириш бўйича инновацион селекция-генетика марказини (кейинги ўринларда – Марказ) ташкил этиши;

Ўзбекистон йилқиччилик ва от спорти федерацияси раисининг ўринбосари – Қорабайр зотли отларни етиштириш ва кўпайтириш бўйича инновацион селекция-генетика маркази директори лавозимини жорий этиши;

Қорабайр зотли отларни етиштириш ва кўпайтириш бўйича “Қорабайр зотли мажмуаси” УКни “Шўртангазим” мажмуаси” МЧЖ тасарруфидан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тасарруфига бериш;

Қорабайр зотли отларни етиштириш ва кўпайтириш бўйича “Қорабайр зотли мажмуаси” УК ва “Водий тулпорлари” МЧЖ мажмуаларини, улар таъминотини молиялаштириш тартибини сақлаб қолган ҳолда ва йиллик харажатлари кўрсаткичларини Ўзбекистон йилқиччилик ва от спорти федерацияси (кейинги ўринларда – Федерация) билан мажбурий келишим шарти билан, Федерация тарқибига кiritиш ҳақидаги тақлифлари маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шериклиги ривожлантириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Жиззах, Қашқадарь, Навоий, Самарқанд, Сурхондарь, Сирдарь, Тошкент, Хоразм вилоятлари, Тошкент шаҳри ҳокимликлари ва Федерация билан биргаликда:

икки ҳафта мuddатда аниқ ер участкалари ва бўш турган давлат кўчаси мулк объектлари ҳудудида болалар-ўсмирлар от спорти мактабларини ташкил этиш, шунингдек, тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида болалар-ўсмирлар от спорти мактабларини ташкил этиш истагини билдирган тадбиркорлик субъектларига топшириш учун уларнинг рўйхатини шакллантириш;

бир ой мuddатда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида болалар-ўсмирлар от спорти мактабларини ташкил этиш истагини билдирган салоҳиятли тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, хорижий инвесторларни (кейинги ўринларда – ташаббускорлар) аниқласин;

уч ой мuddатда энг яхши тақлифларни танлаб олиш асосида ер участкалари ва бўш турган давлат кўчаси мулк объектларини ташаббускорларга тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш учун, шу жумладан, уларнинг бир қисмида ёки алоҳида ажратилган ҳудудда болалар-ўсмирлар от спорти мактабларини ташкил этиш бўйича ижтимоий мажбуриятларни белгиланган ҳолда тақдим этилишини таъминласин.

3. Белгилан кўйилсинки:

болалар-ўсмирлар от спорти мактаблари биринчи навбатда ипподромлар ҳудудида ташкил этилади;

болалар-ўсмирлар от спорти мактабларининг қурилиши Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан келишилган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади;

болалар-ўсмирлар от спорти мактабларининг моддий-техник базасини дастлабки мустаҳкамлаш, жумладан, техника ёнқомлар ва бошқа зарур воситалар билан таъминлаш ташаббускорлар томонидан амалга оширилади;

спорт отларини сотиб олиш бўйича харажатлар, шунингдек, болалар-ўсмирлар от спорти мактабларининг моддий-техника базасини кейинчалик мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ўрна-

тилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади;

мазкур қарорга мувофиқ ташкил этилган болалар-ўсмирлар от спорти мактаблари Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг балансига ўтказилади;

болалар-ўсмирлар от спорти мактабларининг жорий фаолиятини ташкил этиш (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, коммунал хизматлар, спорт отларига озука ва дори-дармонлар сотиб олиш ҳамда бошқалар бўйича харажатлар) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

болалар-ўсмирлар от спорти мактаблари ва спорт яққа қурашлари бўйича ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг от спорти бўлинмалари фаолиятини ташкилий-методик таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан Федерация билан биргаликда амалга оширилади.

4. Марказ ҳузурида лаборатория ташкил этилисин ва унга отларнинг кон гуруҳини аниқлаш ва маълумотлар базасини яратиш бўйича вазифалар юқлансин.

5. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва “Ўзқурилишматериаллари” АЖнинг мазкур қарорга мувофиқ Қашқадарь вилоятида ташкил этилаётган болалар-ўсмирлар от спорти мактаби ҳамда Фарғона шаҳар спорт яққа қурашлари бўйича ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг от спорти бўлинмаси ўқувчилари кейинчалик бепул фойдаланиши учун “Қорабайр зотли мажмуаси” УК ва “Водий тулпорлари” МЧЖнинг Қорабайр зотли отларни етиштириш ва кўпайтириш мажмуаларига спорт отларини тегишлича “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ҳамда “Kvarts” АЖнинг маблағлари ҳисобидан сотиб олиш ташаббуси кўллаб-қувватлансин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари икки ой мuddатда от спорти клубларини ташкил этиш мақсадида тадбиркорлик субъектларига бепул фойдаланиш учун зарур бинолар ва иншоотларни тақдим этиш чораларини кўрсин, зарур ҳолларда мазкур банди амалга ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ юридик шахсларнинг солиқ солинадиган даромади Федерация фаолиятини молиялаштиришга йўналтириладиган хайрия ёрдами кўринишидаги маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган фойданинг ўн фоизидан кўп бўлмаган миқдорга қамайтирилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Федерация:

Марказ лабораториясини замонавий усқуна ва малакали мутахассислар билан жамланганини таъминласин;

мутахассис-чавандозлар, Марказ лабораториясини мутахассислари, кавалер-инструкторлар, шунингдек, манфаатдор идоралар ходимларини хорижда ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил этсин;

болалар-ўсмирлар от спорти мактабларини малакали мутахассислар, зарур ўқув-методик адабиётлар билан жамлаш, шунингдек, ўқув-масъ жараёнини лозим даражада ташкил этиш учун ўқув биноларини жиҳозлашнинг зарур чора-тадбирларини таъминласин;

икки ҳафта мuddатда 2019 йилда от спорти бўйича ҳудудлар ва республика биринчилиги мусобақаларини ўтказиш бўлимининг, кейинчалик Спорт ва жисмоний-омавий тадбирлар календар режасига киритиш учун мазкур спорт тури бўйича халқаро турнирларда иштирок этиш режасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой мuddатда болалар-ўсмирлар от спорти мактаблари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга пуллик хизмат кўрсатиш тартибини, жумладан, мазкур хизматлар ҳажмини кўрсатган ҳолда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

уч ой мuddатда “Марказий ипподром” АЖнинг қурилиш-монтаж ишларини яқунлаш, шунингдек, кейинчалик илгор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда фаолият кўрсатиши учун молиялаштиришнинг қўшимча манбаларини жалб қилиш бўйича тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Федерация билан биргаликда ихтисослаштирилган таълим муассасаларида таълим олаётган жисмоний ёки руҳий ривожланмаганда нуксон бўлган болаларни иппотерапия услуби ёрдамида тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш бўйича тизимли чора-тадбирларни қабул қилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни параметрларида ўзбур қарор доирасида ташкил этиладиган болалар-ўсмирлар от спорти мактабларини таъминоти ҳамда уларни моддий-техник жиҳозлаш, шу жумладан, спорт отларини парваришлаш учун зарур бўлган бюджет маблағларини назарда тутсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари, Миллий гвардия, Ички ишлар вазирлиги 2019-2020 йилларда Федерация кўмағида от спорти мактаблари ҳамда клубларини ташкил этиш ва ўз тасарруфидан бўлганларини тақимлаштириш чораларини кўрсин, шунингдек, идоравий мансуб йилқиччилик ва спорт базаларини уларда ёшларни от спорти билан шугулланишига жалб этиш мақсадида барча учун очик бўлган секциялар ҳамда тўғарақларни ташкил этган ҳолда модернизация қилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда олий ва касб-хунар таълими муассасаларида кадрлар ва мутахассис-йилқиччилар тайёрлаш ўқув режалари ҳамда дастурларини тақимлаштириш бўйича таъминотни, шунингдек, хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чораларини кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 июндаги “Ўзбекистон Республикасида йилқиччилик ва от спортини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3057-сонли қарорига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ўзбур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 18 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ МИЛЛИЙ ТИЗИМИНИ ЯНАДА КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

3. Кўйилганлар:

Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги руҳсат бериш тартиб-таомилларининг 2019 йил 1 апрелдан бошлаб бекор қилинадиган айрим турлари рўйхати 1-иловага мувофиқ;

Давлат хизматлари кўрсатиш тартибини белгилловчи нормалари мавжуд идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни юқори-роқ юридик кучга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мустаҳкамлаган ҳолда қайта кўриб чиқиш жадвали (кейинги ўринларда – Жадвал) 2-иловага мувофиқ;

Давлат хизматларини оптималлаштириш, давлат хизматлари кўрсатилиши учун зарур бўлган маълумотларнинг электрон базаларини шакллантириш ҳамда идоравий ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини “Электрон ҳукумат” тизимига интеграция қилиш бўйича тадбирлар режаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Вазирлик ва идоралар идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Жадвалга мувофиқ қайта кўриб чиқилишини;

Агентлик, Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодий лойиҳаларини бошқариш маркази ва бошқа манфаатдор идоралар ходимларини жалб қилган ҳолда ишчи гуруҳлар тузиш;

аниқ бир турдаги давлат хизматини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базани ялли талловдан ўтказиш;

давлат хизматларини оптималлаштириш, асосий чекловлар, ортиқча маъмурий тартиб-таомиллар ва эскирган тартибга солиш механизмларини бартараф этиш;

қонун ҳужжатларини қисқартириш, нормаларнинг қўлғини бартараф этиш ва уларни ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжатга бириштириш орқали нормаларни тизимлаштириш;

давлат хизматлари кўрсатиш тартибларини Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунига мослаштириш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига белгиланган мuddатларда киритиш орқали таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг 3-иловасида кўрсатилган вазирлик, идора ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари зиммасига Тадбирлар режасининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юқлансин.

6. 2019 йил 1 августдан бошлаб давлат хизматлари кўрсатишда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан жисмоний шахслардан жамғариб бориладиган пенсия дафтарчалари, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотномалар, солиқ тўловчининг ҳисобга

кўйилганлиги тўғрисида гувоҳномалар, тўланган даромадлар ва жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солигининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисида маълумотномалар талаб қилинишни тақимласин.

Белгилансинки, давлат бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар мазкур бандда назарда тутилган ҳужжатларни давлат солиқ хизмати органлари, АТБ “Халқ банки”, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан электрон ўзаро ҳамкорлик орқали фақат идоралараро интеграциялашув платформасига ахборот олиш учун уланшиш йўли билан мустақил равишда сўрайдиш ва оладилар;

Давлат солиқ кўмитаси, АТБ “Халқ банки”, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси 2019 йил 1 июлга қадар давлат хизматлари кўрсатиш жараёнида фойдаланиладиган ахборот тизимларини тақимлаштириш ҳамда мазкур бандда назарда тутилган ахборот ва ҳужжатларни фақат идоралараро интеграциялашув платформаси орқали тақдим этсин.

7. Агентликка Марказлар орқали давлат хизматларини жойларга чиққан ҳолда кўрсатиш (етказиб бериш) бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган тарифлар асосида пуллик экспресс-хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи берилсин. Бунда ногиронлиги бўлган шахслар ва бориш қийин бўлган туманлар аҳолисига экспресс-хизматлар текин кўрсатилиши назарда тутилсин.

8. Давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларига:

фақат Марказлар орқали кўрсатиладиган давлат хизматларини жорий этиш бўйича тадбирларни ўз вақтида бажариш;

давлат хизматлари кўрсатиш жараёнида фойдаланиладиган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларининг серверларида профилактика ишларини иш вақтидан ташқарида олиб бориш;

давлат хизматлари кўрсатиш жараёнида фойдаланиладиган ўзларининг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларидаги носозликлар ҳақида Агентликка хабардор қилиш, шунингдек, уларни зудлик билан тузатиш чораларини кўриш учун шахсий жавобгарлик юқлансин.

9. Агентликка ҳўжалик бошқаруви органлари, уй-жой коммунал ва фойдаланиш ҳўжалиги ташкилотлари томонидан турли хизматлар кўрсатилиши сифати устидан, жумладан, хизмат кўрсатиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва фуқаролар учун бошқа қулайликлар яратиш юзасидан мониторинг олиб бориш ваколати берилсин.

Агентликка:

ҳўжалик бошқаруви органларига, уй-жой ком-

мунал ва фойдаланиш ҳўжалиги ташкилотларига аниқланган қонунбузилишлари ва камчиликларини, уларнинг йўл қўйилишига олиб келган сабаблар ва шартларни бартараф этиш бўйича тақдимномалар киритиш;

давлат хизматлари кўрсатиш талаблари ва тартибини бузганлик учун айбдор бўлган мансабдор шахсларни маъмурий жавобгарликда тортиш ҳуқуқи берилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда давлат хизматлари кўрсатишда Марказлар ходимлари томонидан аризончилардан нақд ва нақдсиз пул қабул қилиш механизмининг жорий этсин;

бир ой мuddатда манфаатдор идоралар билан биргаликда давлат хизматларини тезлаштирилган тартибда оширилган тарифлар бўйича кўрсатиш тартибини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

уч ой мuddатда манфаатдор идоралар билан биргаликда давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар ходимлари томонидан давлат хизматлари кўрсатилишида самардорлик ва натижадорликнинг асосий кўрсаткичлари (КР) (кўрсатиш хизматларининг миқдори ва сифати, хизмат кўрсатиш тезлиги, ходимнинг шўхум-омалилиги ва малакалилиги, мурожаатчиларнинг фикрлари ва бошқалар) ҳамда уларнинг фаолиятини баҳолаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

уч ой мuddатда Агентликнинг “Call service” орқали давлат хизматлари кўрсатиш механизмининг назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатини ишлаб чиқсин ва қабул қилсин;

манфаатдор идоралар билан биргаликда 2020 йил 1 майга қадар “ФХДЕ ягона электрон архив” ахборот тизимининг блокчейн технологиясидан фойдаланиш асосида, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартларида жорий этилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда юқори синфлар учун “Информатика ва ахборот технологиялари” фанининг ўқув дастурига “Электрон ҳукумат” тизими хизматларидан фойдаланиш, талаб энг юқори бўлган давлат хизматларини замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, шу жумладан, Ягона порталдан фойдаланган ҳолда олиш қўнимчаларига ўргатишга бағишланган махсус бўлим киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 15 февраль

САЙЛОВ КОДЕКСИНИ НИМАЛАРНИ НАЗАРДА TUTАДИ?

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қонунчилик палатаси ҳукумат аъзоси номзодини рад этган тақдирда, Бош вазир кўриб чиқиш ва маъқуллаш учун янги номзодни тақдим қилади. Ҳукумат аъзоси Президент томонидан тасдиқланганидан кейин ўз вазифаларини бажаришга киришади.

Шу билан бирга, лойиҳа билан Ҳукуматнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан келиб чиқувчи тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқиш бўйича ҳам янги тартиб белгиланмоқда. Унга биноан, Бош вазир ҳукумат аъзолари билан биргаликда ҳар чоракда парламент палаталарига Мурожаатномадан келиб чиқувчи, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботини тақдим этиди.

Муҳокамалар чоғида депутатлар тақлиф этилаётган ушбу ўзгариш ва қўшимчалар Олий Мажлисининг мўлим қарорларини қабул қилиш ҳамда қонунлар ижросини назорат қилиш борасидаги фаолиятини кўчайтиришга, шунингдек, ҳукумат аъзоларининг парламент олдидagi масъулиятини оширишга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг депутатлар навбатдаги масала – “Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасига киришди.

Таъкидлангандек, Олий Мажлис кўйи палатаси депутатларининг қонун ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилган ушбу лойиҳа 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион қўғлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Маълумки, бу йил мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён – парламентга сайловлар йили бўлади. Ҳозирда мамлакатимиз сайлов қонунчилиги 5 та қонун билан тартибга солинадиган бўлиб, бу эса ҳуқуқни қўллашда бир қатор мураккабликлар туғдиради. Бундан ташқари, сайлов жараёни ва уни ўтказиш тартиб-таомиллари ва қондаларининг қўлғини қонун даражасида эмас, балки Марказий сайлов комиссиясининг низоми ва йўриқномалари билан тартибга солинадиган.

Шулардан келиб чиқиб тайёрланган Сайлов кодексини лойиҳасини яратиш жараёнида 20 дан ортиқ хорижий мамлакатнинг ушбу соҳадаги амалий тажрибасига тўғридан тўғридан қўриқиб, лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамасини ташкил этиш мақсадида 2018 йил 19 июлда Олий Мажлис палаталари томонидан Марказий сайлов комиссияси билан биргаликда Амалий ҳаракатлар режаси (“Йўл харитаси”) тасдиқланди. Унга мувофиқ, лойиҳа жамоатчилик, экспертлар, илмий доиралар, амалиётчилар, мутахассислар ҳамда халқаро ташкилотлар экспертларидан ташкил этилди. ЕХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси, Венеция комиссияси, МДХ Иқтисодий қўмитаси ва бошқа халқаро ташкилотларнинг хулоса ва фикрлари олинди. 2018 йил 16-17 ноябрда кулбури Бухоро шаҳрида ўтказилган халқаро конференцияда олинган тақлифлар халқаро экспертлар иштирокатида муҳокама қилинди.

Лойиҳа билан мамлакатимизнинг Сайлов кодексини тасдиқлаш тақлиф этилмоқда. Амалдаги 5 та қонунда ифодаланган нормаларни муржаатлаштиришни назарда тутадиган ушбу кодекс лойиҳаси билан бир қатор янги қондалар ҳам ўрнатилмоқда. Жумладан, Қонунчилик палатасида депутатлик ўринларини ушбу кодекснинг қўллашда бир қатор қулайликлар яратиши, сайлов жараёни ва уни ўтказиш тартиб-таомиллари ва қондаларини тўла қонунчилик, демократик ва шайфиф ўтказишда муҳим ҳуқуқий асос вазифасини бажаради.

Баъс-мунозара, қизгин муҳокамалардан сўнг мазкур қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Мажлисида, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати

ҚИСКА САТРЛАРДА

- Тошкент шаҳар ҳокимлигида “Бузув бунёдкорлик – эртага тарих” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.
- Пойтхатимизда ҳарбий-илмий шаҳарча барпо этилади. Унинг ҳудудида Мудобфа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти жойлашади.
- Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлигида аҳоли иштирокида очиқ мулоқот ўтказилди.
- Банк молия академиясида “Банк ва молия тизимини ислоҳ қилиш ҳамда соҳага замонавий бозор механизмларини жорий этиш” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.
- Тошкент молия институтида “Карьера қуни” меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.
- Бектемир туманида “Мустақам ва соғлом оилани барпо этамиз” деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Унда туман ҳокими ва барча сектор раҳбарлари иштирок этди.



МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ – ФАХРИМИЗ, ФУРУРИМИЗ

Халқимизда кўп яхши, ибратомуз урф-одатлар борки, уларни бугунги кунда ҳам кенг миқёсда қўллаш фойдадан холи бўлмайди.

Масалан, қадимда фарзанди вояга етмаган ёки фарзандсиз кишилар, хусусан, қариялар бирор-бир юмуш учун ҳеч қачон мардикор ёлмаганлар. Мабодо ёллагудек бўлсалар, бу ҳол шу маҳаллада истиқомат қилувчи ёш-яланларнинг иззат-нафсига теккан. Ён-атрофида хизматга шайлар турганда четдан одам олиб келиб, юмуш буюриш катта айб саналган. Қишда қор қурашми, кузда том сувашми, ўтин ёриб, сув ташишми ёки экин-текин ишларими – ҳамма ҳаммаси кўни-кўшни болалари ёрдами билан бажарилган. Оилада эрқағи бўлмаган аёллар эса бозор-ўчар иш-

лари, ўтин ёриш, сув ташиш ташвишларидан бу-тунлай озод бўлганлар. Бунинг учун бўш чела-ларни кўча дарвозаси олдида чиқариб қўйиш, ўтин ва болтани ташқарига қўйишнинг ўзи кифоа қил-ган. Буларга қизи тушган йўловчилар таниш-но-танишлигидан қатъий назар, челақни сув билан тўлдириб, ўтини ёриб кетаверишган.

Мана шундай беминнат ҳождоборлар уй со-ҳибидан пул сўрашмаган, бирор нарса ҳам таъ-ма қилишмаган. Чунки ёшлар бировларнинг ҳожа-тини чиқармоқ учун ўзларини ҳамма бурчли деб ҳисоблаганлар. Бу қимматли удумларимизни айни

вақтда ҳам қайта тикламоқ зарурий ишлардан биридир.

Ёшларимиз ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган ушбу одатларни тиклашга ҳисса қўша-лар, айни муддао бўлар эди. Зотан, доно халқи-миз "Ердан айрилсанг ҳам элдан айрилма", "Эл ишини эр йигит қилур, эр йигит қадрини эл би-лур" деб бежизга айтилмаган. Ёшларимиз ана шу доно ўғитларга амал қилишлари мақсадга му-вофиқ деб биламан.

Илгари пайтларда халқимизнинг энг олийжа-ноб оилавий анъаналаридан бири кечалари би-лан сандал атрофида ўтириб, тарбия, одоб-ахлоқ ҳақида мароқли суҳбатлар ўтказишлари бўлган. Бунда улар ўзбек халқ эртақлари, достонлари, Қуръони Карим ва ҳадислардан одамларни ҳало-ликка, покликка, диёнатга ундовчи ривоятларни мисол келтириш, турмушда, ҳаётда учраб тура-диган салбий воқеа-ҳодисаларга атрофича баҳо бериш асосида фарзандларини тўғри йўлга бош-лаганлар.

Ойша ТўРАЕВА

Табиат ва инсон

ҚУШЛАР – БИЗНИНГ ҚАНОТЛИ ДЎСТЛАРИМИЗ

Қушларнинг табиатта ва инсонга аҳамияти каттадир. Уларни биринчи бўлиб Аристотель (эр. аввалги 384-322 йиллар) ўрганишни бошланган.

Қушлар қадим замонларда инсонларни озиқ-овқат билан таъминлаб келган элементлардан бири ҳисобланади. Улар ўсимликларни чанглантиради ва бу уларнинг уруғларининг қўлайлишига хизмат қилади. Шунингдек, зарарли ҳашаротлар, кемирувчиларни камайтиради, уларнинг сонини назоратда ушлаб туришда фойдали ҳисобланади.

Айрим қушлар зараркунанда ҳисобланиб, қишлоқ ҳўжалиги экинларига зарар еткази-ди. Баъзи қушларни одамлар хонақилишти-радими. Қушларнинг бог ва ҳиёбонларда ёқимли сайраши эстетик завқни оширади. Хозирги кунда Ер юзиде қушларнинг тўққиз миңдан ортқ тури бор. Моғлашиш хусу-сияти қушларга осмон, денгиз ва қуруқлик-ни очди. Агар табиатда қушлар йўқ бўлиб кетса, ўрмонлар камайиб кетади, чунки дар-хатларни ҳашаротлар қириб юборади. Ми-сол тариқасида битта читтақ бир кунда 6 миңта зарарли ҳашаротни истеъмол қи-лади. Пушти қуғурчуқлар галаси бир ойда 100 тонна чигирткани қириб, фойда еткази-ди.

Сорлар ёз мавсумида миңта зарарли кеми-рувчиларни қириб, бир ярим тонна галла ҳосилини сақлаб қолади. Қанотли дўстла-римизсиз табиатни ва унинг хилма-хилли-гини тасаввур қилиш қийин. Қушларнинг қаноти енгил, мустаҳкам, эпчил ва учаёт-ганда 15 марта кўп энергия сарфлайди ва танасининг оғирлиги 18 кгдан ортқ бўлса, уча олмайди. Тумшугининг тузилиши озуқа хилга боглик, йирткич қушларнинг тумшуги қиска, бақувват ва учи ластга қайрилган бў-лади. Бундай тумшук уларнинг ўз ўлжасининг терисини йиртиб, этини юлиб олишига им-

кон беради: Яхалоққушлар туркумига қи-рувчи қушларнинг қайрилган тумшуклари эса тирик ўлжани тутишга ёрдам беради. Ҳоз-симо қушлар тумшукларининг қирраси бўйлаб ҳар хил шаклдаги муғза пластинка-лар жойлашган бўлиб, тумшугининг учи эса кенгайган, шунинг учун улар ботқоқликлар-да озиқланади. Узун тумшуклари ёрдамида сув ичидан ўлжасини тутати. Ўзбекистонда 460 та қушлар тури учрайди ва улардан 48 тури (кенжа турлар билан 51) Ўзбекистон Республикаси "Қизил китобига" киритилган. Хозирги пайтда Ўзбекистонда учрайдиган йирткич қушлардан бургут, сор, лочин, кир-гий, оқ думли сув бургути, итолғи, сув-ботқоқ қушларидан Зарафшон қирғовули, оққуш, пушти ва жингалак сақоқуш, сариқ қарқара, қошиқбурун, қизилғоз музейинидаги ташриф буюрувчиларда кизиқиш уйғотмоқда. Музей ходимлари томонидан келувчиларнинг қизи-қиларини эътиборга олиб турли йўналиш-да экскурсиялар, тадбирлар, давра суҳбат-лар ўтказиб келинмоқда.

Кейинги йилларда қушлар фаунаси, эко-логияси ва уларнинг табиатдаги аҳамияти ва барча экосистемаларда тутган ўрни, шунинг-дек, уларнинг табиат ва инсонга бўлган аҳа-мияти тобора ошиб бормоқда. Қушлар инсо-нларни табиатни севишга, уни эстетик қабул қилишга имкон яратди ва завқ беради.

Ф.АКРАМХОДЖАЕВА,
Ўзбекистон Давлат табиат музейи
илмий табиатшунослик бўлими
бошлиғи
Д.ТАШПУЛОВА,
илмий ходим

Биласизми?

ҚУРУҚ МЕВАЛАРНИНГ ФЙДАЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Қуруқ мевада янги узилган меванин барча фойдали хусусиятлари сақланиб қолади. Шу тариқа бизда фойдали мод-далардан нафақат ёзда, балки йил бўйи ҳам баҳраманд бўлиш имкони бор.

Папайя шакарланган меваси (щукат) бутун организмни мустаҳкамлаб, оқсил-лар алмашинувини, тездаштиради.

Қурилган хурмо (финик) иш қоби-лятиямизни оширади, қўшимча фойдали моддаларга эга бўлгани туфайли, шамол-лаш ва бош оғришида оғриқни қолдирув-чи восита сифатида қўлланилиши мумкин. В5, Е, Н каби витаминларга жуда бой бўлган ҳолда хурмо қоқи иммун тизими-ни мустаҳкамлайди ҳамда кишини фаол ва ҳуш-чақчақ тарзда ўтказишда ёрдам беради.

Қурилган нок ичак фаолиятига ижобий таъсир ўтказиши, организмдан токсинлар ва оғир металлларни чиқариб ташлайди.

Ўрик туршағи қалийнинг тенгсиз ман-баидир, юракка яхши таъсир қилади ва онкологик касалликлар профилактикаси

учун ажойиб восита ҳисобланади.

Қурилган анжир қалқонсимон без фаолиятини нормаллаштиради, организм-дан паразитлар чиқиб кетиши учун им-кон яратди. У саратон ҳўжайралари ри-вожланишининг олдини олади, терини витамин ва микроэлементлар билан таъ-минлайди.

Олхўри қоқи — ошқозон-ичак йўли фаолиятини яхшилашда ажойиб восита-дир, у қабзиятдан халос қилади ва овқат ҳазм қилиш жараёнини тартибга сола-ди. Шунингдек, гипертониядан азоб че-кадиган, юрак ва жигар билан боглик муаммолари бўлган кишилар учун ҳам айни муддаодир. У ревматизмда ҳам қўл келади, таркибидеги А витамини эса кўриш қобилятига яхшилайди.

Майиз яхшигина антидепрессантдир, шунингдек, қалқонсимон без касалликла-рида ёрдам беради.

Қурилган олча эркин радикаллар ҳаракатини нейтраллаштиради ва шу та-риқа терини ёшартириш хусусиятига эга.

Реклама ва эълонлар

"CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этди!

2019 йил 6 март кунин соат 11:00 да бўлиб ўтадиган такрорий аукцион савдосига АТ "Халқ банки" Тошкент шаҳар филиали Амалиёт бўли-мининг 13.02.2019 йилдаги №180-сонли бу-юртманомасига асосан АТ "Халқ банки" Тош-кент шаҳар филиали Амалиёт бўлими тасар-руфиде бўлган Тошкент шаҳри, Сергели ту-мани, Еркин ҳаёт 3-бекр кўчаси, 7-уй манзи-лида 400 кв.м. майдонда жойлашган, бошлан-ғич нархи — 576 000 000 сўм бўлган 6 та яшаш хонасидан иборат турар жой қўйилмоқ-да.

Аванс тўлови: Олди-сотди шартномаси умумий қийматининг 30 фоиздан кам бўлма-ган микдорда шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 календарь кунин ичиде (Закалат тўловини ҳисобга олган ҳолда) тўланиши ло-зим.

Савдога қўйиш бошланғич қиймати ва аук-цион савдо натижасидеги сотилиш нархи ора-сидеги фарқи закалат тўловиға қўшимча ра-вишда тўлаш мажбурияти харидор ўз зими-сига олади.

Юқоридеги кўчмас мулк 2019 йил 6 март кунин соат 11:00 да сотилмаган тақдирде, так-рорий савдолар 2019 йил 25 март ва 11 апр-ель кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

2019 йил 25 март кунин соат 11:00 да бўлиб ўтадиган такрорий аукцион савдосига АТ "Халқ банки" Яшнобод филиалининг 13.02.2019 йил-даде 09-13/40-сонли буюртманомасига асо-сан АТ "Халқ банки" Яшнобод филиали та-сарруфиде бўлган Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фаллабанин 40 йиллиги 2-мавзе, 8-уй манзилда жойлашган умумий майдони 39 кв.м., бошланғич нархи — 95 000 000 сўм бўлган № 18-сонли шахобча биноси қўйил-моқда.

Юқоридеги кўчмас мулк 2019 йил 25 март кунин соат 11:00 да сотилмаган тақдирде, так-рорий савдолар 2019 йил 9 апрель ва 24

апрель кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Юқоридеги кўчмас мулк билан тегишли банк вакиллари иштирокиде бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдо-сиде қатнашиш истагини билдирган талаб-горлар савдо ташкилотчиси билан тузилади-ган закалат келишувига асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг 30 фоиздан кам бўлма-ган микдориде закалат пулини тўланганлиги-ни тасдиқловчи ҳужжат билан бирга қўйидаги ҳўжатларни тақдим қилишлари шарт.

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳўжатларида бел-гиланган тартибда расмийлаштирилган ишон-чнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳўж-жат нусхаси илова қилинган ҳолда;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирде, вако-латли вакил учун қонун ҳўжатларида бел-гиланган тартибда расмийлаштирилган ишон-чнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳўж-жат нусхаси илова қилинган ҳолда.

Талабгорлардан аризалар қабул қилиш аук-цион савдоси санасидан бир иш кун олдин соат 16:00 да тўхтатилади. Савдо голибига аукцион савдоси натижалари бўйича голиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 5 кун ичиде сотувчи билан олди-сотди шартно-маси имзолаш мажбурияти юклатилади.

Закалат пулини тўлаш учун рекевизитлар: "CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖнинг АТ "Халқ банки" Тошкент шаҳар филиали Амалиёт бўли-мидаде қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: Ҳ/р: 20208000100757166001. МФО: 01132. СТИР: 304 802 952.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй.

Телефон: +998 71-236-25-53.

www.capitaltrust.uz.

Лицензия RR — 0298

Реклама ва эълонлар

АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ

"PRIME REALTY" МЧЖ ҳамда АТ "Халқ бан-ки" Мирзо Улўбек филиали билан ҳамкорлик-да 2019 йил 25 март кунин соат 11.00 да мулк-нинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич оши-риш тартибиде ўтказиладиган "Очик аукцион" савдосига Тошкент шаҳри, М.Улўбек тумани, "Буюк Ипак йўли" кўчаси, 253-уй (393-сонли касса биносиде) жойлашган, бошланғич баҳоси 150 568 000 сўм бўлган умумий майдони 140,0 кв.метрдан иборат "1 қаватли бинонинг бир қисми" қўйилмоқда. Мазкур мулк сотилмай қолган тақдирде такрорий аукцион савдолари хар ҳафтанинг душанба кунлари юқориде қўрсатилган соатларда ўтказилади. Аукцион савдо-си Тошкент шаҳри, М.Улўбек тумани, Х.Олим-жон кўчаси, 13 А-уйда, савдо ташкилотчиси-нинг савдолар залида ўтказилади. Аукцион сав-доси голиб савдо ўтган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичиде сотувчи билан олди-сотди шарт-номасини тузиши ва мулкнинг сотиб олиш ба-ҳосидан ташқари "Савдо ташкилотчиси"га мулк сотув нархининг 2 (икки) фоиз микдоринда ком-миссион йўғим тўланиши лозим. Аукцион сав-досиде иштирок этиш учун талабгорлардан ари-залар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00

гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади. Аук-цион савдоларида қатнашиш истагидеги талаб-горлар тузиладиган закалат келишувига асо-сан объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоиздан кам бўлмаган микдордаде тўловни савдо ташкилотчисининг АТБ "InfinitBANK"даде 20208000700765990001, МФО: 01041, ИИН: 304844964 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қўйи-да қўрсатилган ҳўжатларни топширишлари ке-рас. Аукцион савдосиде қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаде гувоҳнома нусхаси, агар ваколат-ли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда рас-мийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳўжжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳўжжа-ти. Хар бир мулк учун қўшимча хизматлар қўрсати-ш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари микдориде тўлов олиниди. Манзил: Тошкент шаҳри, М.Улўбек тумани, Х.Олимжон кўчаси, 13 А-уй. Тел: 998-580-112, е-mail: info@primerealty.uz, www.primerealty.uz.

Лицензия рақами RR 0285

Манзилми: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бoshқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаде почта булимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишигиз мумкин. Газета тахририят компьютер марказида теринди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон келиши: gazeta-vto@umail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2358 нусхада босилди. Қогоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бosh муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Буюртма Г. 246

Тошчириш вақти: 13.00

Босишга топшириди: 15.25